



Erasmus+

Erasmus+ Information Day
24 November 2017

Erasmus+ кредит мобиллиги лойиҳаларида иштирок этиш тажрибаси, янги иштирокчиларга маслаҳатлар

Аброр Жўраев
Бухоро давлат университети

*The EU programme for
Education, Training, Youth and Sport
2014 - 2020*



Erasmus+

- Erasmus+ for Higher Education. Students and Staff FAQ, January 2015.
- Erasmus+ ICM. Quick reference guide for selected HEIs in Partner Countries, October 2015.
- Erasmus+ ICM FAQ for HEIs, November 2015.
- Erasmus+ ICM. Guidelines for Experts on Quality Assessment, 2016 Call for Proposals, November 2015.
- Erasmus+ ICM. Dos and don'ts for applicant HEIs, November 2015.
- Республикамизда олий таълим соҳасидаги ислоҳотлар ҳамда белгиланган тартиб-қоидалар



Erasmus+

Лойиҳани тайёрлаш босқичида

- Лойиҳа аризасини **Европа Иттифоқидаги ҳамкор ОТМ** ўз миллий агентлигига топширади.
- Лойиҳани тайёрлашда **иштирок этинг**.
- **Бюджет талабларидан** хабардор бўлинг.
- Лойиҳа аризаси учун **зарурий маълумотларни тайёр тутинг** (ОТМ ҳақида маълумот, сафарбарликлар сони ва тури, PIS рақами ва ҳоказо.).
- **Амал қилаётган лойиҳалар** билан танишиб чиқинг.
- **Вазифалар тақсимотини** шахслар ва муддатлар нуқтаи назаридан аниқ белгилаб олинг.



Erasmus+

Лойиҳани баҳолаш мезонлари (Award criteria)

- сафарбарликларнинг ОТМ халқаролашувига нақадар алоқадор эканлиги – 30 балл
- ОТМлар ўртасидаги ҳамкорликнинг жорий аҳволи ва мавжуд тажриба – 30 балл
- лойиҳани амалга ошириш механизмлари сифати – 20 балл
- лойиҳадан кутилаётган натижалар ҳамда оммани хабардор қилиш механизмлари – 20 балл

→ **"Guidelines for Experts on Quality Assessment"**



Erasmus+

1. Сафарбарликларнинг ОТМ халқаролашувига нақадар алоқадор эканлиги (relevance of the strategy) – 30 балл

Тайёрланаётган лойиҳа ҳамда режалаштирилган сафарбарликлар ҳар иккала ОТМнинг **халқаролашув стратегиясига** қай даражада алоқадор эканлиги баҳоланади.

- Нега сафарбарликни йўлга қўймоқчисиз?
- Сизнинг ОТМда **халқаролашув стратегияси** қандай аҳволда?
- Лойиҳа ушбу стратегияга **қай даражада мос?**
- Айнан у ёки бу босқичдаги сафарбарликдан мақсадлар.

Янги ҳамкорлик ўрнатилаётган бўлса:

- Ушбу янги ҳамкор билан алоқа ўрнатилиши қандай ижобий натижани беради?
- Янги ҳамкор билан сизнинг ОТМ бир-бирини **қандай “тўлдиради”?**



Erasmus+



- ✘ Умумий тарзда маълумот бериш билан чекланманг.
- ✘ Фақатгина ЕИдаги ҳамкор берган маълумотлар билан чекланманг, **Ўзбекистон томони учун қандай манфаатлар борлиги**, республикамиздаги таълим ислоҳотларига, мавжуд стратегияга қай даражада мос эканлиги ҳақида ҳам маълумот киритинг.
- ✘ Турли мамлакатлардан ҳамкорлар билан лойиҳа тайёрлаганда кўчириб тўлдириш билан шуғулланманг, алоҳида ёндашувингиз бўлсин.



Erasmus+

2. OTMлар ўртасидаги ҳамкорликнинг жорий аҳволи ва мавжуд тажриба (Quality of the cooperation arrangements) – 30 балл

Ушбу йўналишда амалга оширилган лойиҳалар бўйича тажрибангиз, шунингдек режалаштирилаётган ҳамда Институционал келишувда акс эттириладиган вазифалар тақсимоти, ҳақ-ҳуқуқ ва мажбуриятлар баҳоланади.

- Ҳамкорлар ўртасида вазифалар ва мажбуриятлар тақсимотини аниқлаштираш ва Институционал келишувда акс эттириш.
- **Молиявий манбаларни** ўзаро қандай бўлишини аниқ кўрсатиш (агар тегишли бўлса).
- **Ўзаро коммуникация** қай йўсинда амалга оширилишини кўрсатиш.
- Сиз ва ҳамкорингиз ушбу тарздаги лойиҳаларни амалга оширишнинг **молиявий ҳамда оператив имкониятларига** эга эканлигини исботланг.
- Илгаридан мавжуд ҳамкорлик тажрибасини ҳамда келгуси режаларни таърифланг.

Янги ҳамкорлик бўлса:

- Халқаро алоқалар соҳасидаги тажрибангиздан, хусусан алмашинув дастурларидаги иштирокингиздан янги ҳамкорликни ривожлантиришда қандай фойдаланасиз?



Erasmus+



- ✘ Халқаро алоқалар борасида тажрибангиз борлигини кўрсатиш билан чекланиб қолманг. Айнан мана шу лойиҳа доирасида келгусида яна қандай ижобий натижаларга эришишингизни кўрсатинг.
- ✘ Фақатгина бир томоннинг вазифаларини кўрсатиб ўтиш билан чекланманг.
- ✘ 3-мезонда кўрсатиладиган маълумотлар билан аралаштириб юборманг.
- ✘ Кўчириб тўлдириш билан шуғулланманг, алоҳида ёндашувингиз бўлсин.



Erasmus+

3. Лойиҳани амалга ошириш механизмлари сифати (Quality of project design and implementation) – 20 балл

Лойиҳанинг ҳар бир босқичи, хусусан танловлар қандай ўтказилиши, қатнашчиларга ҳар иккала томондан қандай ёрдам кўрсатилиши, натижалар қай тарзда тан олиниши баҳоланади.

- Сафарбарликни **3 та босқичга** бўлган ҳолда маълумот беринг: сафарбарликдан олдин, даврида ва кейин.
- Ҳар иккала томоннинг танловлар, сафарбарликка тегишли тайёргарлик ҳамда кейинги тан олиш масалалари бўйича вазифаларини аниқ кўрсатиб ўтинг.
- **Имконияти чекланган шахсларга** қўшимча ёрдам ҳақида, **хорижий тил тайёргарлиги** масалалари, маданий тадбирлар ҳақида маълумот келтиринг.
- Ҳар бир фаолият тури бўйича **тахминий муддатларни** белгиланг.



Erasmus+



- ✘ Сафарбарликка таълим босқичи ёки турига тегишли чекловлар қўйилган бўлиши мумкинлигига эътибор қаратинг.
- ✘ **Натижаларни тан олиш** муҳим эканлигини унутманг.
- ✘ Профессор-ўқитувчилар сафарбарлиги натижалари қандай тан олиниши ҳам кўрсатилиши зарурлигини унутманг.
- ✘ 2-мезонда кўрсатиладиган маълумотлар билан аралаштириб юборманг, у ерда кўрсатган маълумотларингизни янада ривожлантиринг (масалан, илгари амалга оширган лойиҳаларингиздаги яхши тажрибадан натижаларни тан олишда қандай фойдаланишингиз ва ҳоказо).



Erasmus+

4. Лойиҳадан кутилаётган натижалар ҳамда оммани хабардор қилиш механизлари (Impact and dissemination) – 20 балл

Сафарбарлик лойиҳасининг қатнашчилар, манфаатдор томонлар, ҳамкор ташкилотларга маҳаллий, ҳудудий ва мамлакат миқёсида қандай таъсирга эга бўлиши, сафарбарлик натижалари кафедралар, факультетлар ва ОТМларда (ҳар иккала томонда) қай тарзда таништирилиши механизлари баҳоланади.

- Турли манфаатдор томонлар учун натижа ва таъсирни таърифлаб ўтинг.
- **Натижалар қандай баҳоланади?** Кутилган натижаларга эришилганлигини қандай кўрсаткичлар асосида баҳолайсиз?
- **Оммани хабардор қилиш** (dissemination) бўйича қандай тадбирлар орқали амалга оширилади?
- Ушбу тадбирлардан ким манфаатдор бўлади?
- Кутилаётган натижа сафарбарликлар сонига **мутаносибми?**



Erasmus+



- ✘ Кутилаётган натижаларни аниқ кўрсатиб беринг, хусусан маҳаллий, ҳудудий ва миллий миқёсда.
- ✘ Фақатгина бир томонлама тадбирларни таърифлаш билан чекланманг, тадбирлар ҳар иккала томонда амалга оширилиш зарур.
- ✘ Кўчириб тўлдириш билан шуғулланманг, алоҳида ёндашувингиз бўлсин.
- ✘ “Кутилаётган натижа” тушунчасини айнан сиз “рўй беради” деб кутаётган натижа сифатида эмас, балки сиз **реал тарзда эриша оладиган натижа** сифатида қабул қилинг.



Erasmus+

БухДУ тажрибасидан





Erasmus+

17 лойиҳа, 10 ҳамкор ОТМ, шу жумладан Италиядан 3 та, Руминиядан 3 та, Литвадан 2 та, Испания, Португалиядан 1 тадан.

2017 йилги танловларда 5 та лойиҳа (27 / 16 / 5)

БухДУдан Европага 40+ сафар

Европадан БУхДУга 8 та сафар

4 та ҳамкор Эрасмус Мундус лойиҳаларидан, 1 та ҳамкор Темпус лойиҳасидан, 1 та ҳамкор ўзаро ҳамкорлик шартномаси доирасида, 4 та янги ҳамкор

БухДУ учун устивор йўналишлар – ИКТ, Туризм, Иқтисодиёт, Табиий фанлар

Баъзи лойиҳаларда танловлар ЕИдан ҳамкорлар томонидан, баъзи лойиҳаларда БухДУ томонидан амалга оширилади. 3 та лойиҳада танловлар ЕИдан келадиган профессор-ўқитувчилар томонидан амалга оширилган.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож номзодларга алоҳида эътибор берилади. Лекин, бу мезон хорижий тил ва академик натижаларга қўйилган талаблар бажарилгандагина қўлланади.



Erasmus+



Diqqat, tanlov!

Создано 23.10.2016 01:22 Категория: Elonlar Просмотров: 111



Erasmus+

Yevropa Komissiyasining Erasmus+ dasturi doirasida Ruminiyaning Aleksandr Ioan Kuza nomli universiteti bilan talaba, magistrant, tadqiqotchi, o'qituvchi almashinuv i loyihasi amalga oshirilmoqda. Tanlovga ariza topshirishning so'nggi muddati - 5 noyabr 2016-yil. Tanlov

haqidagi ma'lumotlar [quyidagi sahifada](#) keltirilgan.

Buxoro davlat universiteti Erasmus+ dasturi doirasida

Создано 09.09.2016 10:08

Категория: Elonlar Просмотров: 724

Bugun yoshlarimiz hal qiluvchi kuch bo'lib hayotga kiriyapti. Men bu yoshlarga o'zimga ishongandek ishonaman

Создано 08.09.2016 13:07



Co-funded by the Yevropa

информация о платежах контрактов

Электронный документ оборот

Рабочие учебные программы

Расписание занятий

Moodle система дистанционного обучения

Детализация заработной платы

Поддержка мониторинга трудоустройства выпускников



Co-funded by the Erasmus+ Programme of the European Union

ВИДЕО

ФОТОГАЛЕРЕЯ

Mustaqillik quyoshidan nur




Erasmus+

Erasmus+ tanlov uchun

Подробности  Автор: Super User  Категория: Uncategorized  Просмотров:

315



Erasmus+

Buxoro davlat universiteti Yevropa Komissiyasining Erasmus+ dasturi doirasida Yevropaning yetakchi universitetlari bilan hamkorlikni yo'lga qo'rgan. Mana shunday hamkorlik natijalaridan biri sifatida Ruminiyaning Aleksandr Ioan Kuza nomli universiteti bilan talaba,

magistrant, tadqiqotchi, o'qituvchi almashinuvli loyihasi amalga oshirilmoqda.



**ALEXANDRU IOAN CUZA
UNIVERSITY of IAȘI**

Loyiha doirasida muvaffaqiyat qozonadigan BuxDU talabatlari va

tadqiqotchilari mazkur universitetda 4 oy davomida ta'lim olishlari va ilmiy faoliyat olib borishlari, professor-o'qituvchilar esa 5 kun pedagogik faoliyati bilan shug'ullanishlari mumkin.

Ariza topshirish <https://erasmusplus.uaic.ro> veb sahifasida amalga oshiriladi. Tanlovlarga dolir barch zarurly ma'lumotlar ushbu veb-sahifada keltirilgan.

Aleksandr Ioan Kuza nomli universitetning profilidan kelib chiqqan holda, mazkur universitet tomonidan ustivor yo'nalishlar sifatida quyidagilar taklif qilingan:

- Iqtisodiyot
- Menajment
- Marketing va reklama ishi
- Axborot texnologiyalari
- Mehmonxona xo'jaligi
- Turizm, sayohat va ovqatlanirish ishi

Quyida tanlovda qatnashish uchun ariza topshirish bosqichlari keltirilgan:

1-bosqich: <https://erasmusplus.uaic.ro/wp-login.php?action=register> veb sahifasini oching, o'zingizga mos foydalanuvchi ismi va e-mallingizni kiriting. E-mallingiz tizim tomonidan ro'yxatga olinadi.

Intranet

Login here to go to intranet.

2-bosqich: E-mallingizga sizning ro'yxatdan o'tkazilganligingiz haqida tasliq ma'lumoti keladi. Shuningdek, siz ariza topshirishingiz uchun ariza formasining elektron adresi ham keladi. Ariza formasiga e-mallingiz orqali yoki <https://erasmusplus.uaic.ro> sahifasining o'ng tomonidagi "Login here" tugmasi orqali o'tib, ariza formasini to'ldiring.

3-bosqich: Talab qilingan hujjatlarni tayyorlab, zarur hollarda skanerda o'tkazib, ariza formasiga ilova (upload) qiling. Hujjatlar ro'yxati <https://erasmusplus.uaic.ro/documents-to-be-uploaded> adresida keltirilgan.

4-bosqich: Arizani yakunlab, tizimga topshiring (submit application).

Ariza topshirishning so'nggi muddati - **5 noyabr 2016-yil**.

Savollaringiz bilan BuxDU Xalqaro aloqalar bo'limining bsu.international@gmail.uz elektron pochtasiga murojaat qiling. Omad tilaymiz!



Erasmus+

- Талабаларнинг Европада ўқиган фанларининг бир қисми тан олиняпти, чунки фанлар ўртасида номутаносибликлар мавжуд.
- Докторантлар сафарлари хорижга илмий тадқиқот сафари сифатида тан олиняпти.
- Профессор-ўқитувчиларнинг сафарлари хорижда малака ошириш сифатида тан олиняпти.

- чет эл сафарида орттирилган хорижий тажриба юзасидан чоратадбирлар ишлаб чиқиш, семинарлар ўтказиш, нашрлар ва илмий тўпламларда чоп этиш ОАВга ахборот бериш мақсадга мувофиқдир.

- узоқ муддатли чет эл сафари давомида ўқув режада белгиланган аммо бажарилмай қолдирилган ўқув дастури сафардан сўнг **тўлиқ бажарилиши талаб этилиши таъкидлаб ўтилади.** Хорижий сафардан сўнг ўқишга тиклаш, ўқишни давом эттириш масалалари олдиндан муҳокама қилиниб буйруқда кўрсатиб ўтилиши зарур. Бу каби муаммолар қаторига стипендия тўлаш масаласи, бюджет ёки тўлов-контракт асосида ўқишни давом эттириш масасалари киради.



Erasmus+

Ижобий натижалар

Режалаштирилган сафарларнинг қарийб барчаси ўз вақтида амалга оширилмоқда.

Ҳамкор ОТМлар виза бўйича ёрдамни ўз вақтида кўрсатишмоқда. Сафарлар БухДУнинг халқаролашув стратегиясига ҳамда халқаро миқёсдаги эътибори ошишига сабаб бўлмоқда.

Институционал шартномалар ўз вақтида имзоланмоқда. Аксарият ОТМлар электрон вариантларни етарли ҳиоблашади.

ЎзР ОЎМТВ рухсати қисқа муддатларда олинмоқда. Бакалаврият ва магистратура талабаларининг бир семестр давомида хорижда ўқишларига рухсат берилмоқда.

Ҳамкор ОТМлар ҳамкорликни давом эттиришга розилик билдиришмоқда:

- БухДУ делегациясининг Пиза ва Падуя университетларига сафарлари уюштирилди (сентябрь 2017 йил);
- Руминиядан 1 ҳамкор ОТМ бошқа румин ҳамкор ОТМ томонидан таклиф қилинди;
- Аквила университети (Италия) билан ҳамкорлик кенгайиб, 2 нафар тадқиқотчи қўшма PhD диссертацияси устида ишлашмоқда.



Erasmus+

Мавжуд
муаммолар

Талаба ва профессор-ўқитувчиларда хорижий тил билимининг етарли даражада эмаслиги

Ҳамкор ОТМ танловларни 1-семестр бошида эълон қилиб, 1 ой ичида тугатади. (2017 йилда муаммо кузатилмади)

Ташкилий сарф-харажатларнинг ўзаро бўлиниши ахборот мавжуд эмаслиги ёки эътиборсизлик тўғрисида муҳокама қилинмасдан қолиб кетади.

Испания миллий визаси учун узоқ вақт талаб қилинади. (Виза маркази очилди)

Руминия элчихонаси виза учун анча юқори нарх белгилаган (135 \$).

Йўл харажатлари муаммолари.



Erasmus+

Deadline: 01.02.2018



Erasmus+

Эътиборингиз учун раҳмат!

Алоқа учун:

e-mail: ajuraev.bsu@gmail.com

Tel: +998-90-7150315